

# الحكم تقود إلى السعادة

الجزء السادس

«Хикматлар – саодатга етаклар»

**Олтинчи китоб**

**Тузувчи ва таржимон:**

Анвар Аҳмад

Тошкент:  
2015 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## ТАҚДИМ

Ўзининг илоҳий ҳикмати илин инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа маҳлуқотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни вахий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳаким Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳаким Зотнинг энг ҳаким бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳакими, севикили Расулимиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададиша салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз хузуридан рух пуфлаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа маҳлуқотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсулни эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳаким дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналиқ», «хукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қиласи: «Ҳикмат – ақл, фахм ва топқирлиқдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳакимларнинг кўплари ҳикматга қуидагича таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-холатларнинг сирасорлариға нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи қўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳаким ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Луқмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

**«Батаҳқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким қуфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ғаний ва мақтовга сазовор Зотдир»** (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини мақташи, айrim ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Қуръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг хузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

**«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиласиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик»** (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўзлари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Газзолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиласидаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хулосасини тақдим қиласиди.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда

ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хуносаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр баҳш эта оловчи китоблар ичидаги энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зеро, айрим ҳикматлар бутун бир инсон умрининг хуносаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳалқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиш бошқа ҳалқларга қараганда анча юқори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаган устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, [www.arabic.uz](http://www.arabic.uz) сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида муентазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлидан илҳомланган муҳтарам таржимонимиз интернет оламига сайд қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Қўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиши учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, кулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбай ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон кўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аримайдиган энг вафодор дўстдир, сухбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-куватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга маҳсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи

таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Хикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуидаги интернет сахифаларидан олинганини айтади:

- 1) ثقاف نسڪ
- 2) كلام من القلب
- 3) خذ الحكمة
- 4) بستان الحكماء
- 5) ثقافة حول العالم
- 6) الموسوعة بوك
- 7) ثقافة وعلوم
- 8) حكمة اليوم
- 9) عجائب وغرائب حول العالم
- 10) أقوال أعجبتني
- 11) كنوز من الحكمة
- 12) ذكر الله
- 13) عذب الكلام
- 14) عالم الثقافة والمعروفة

Хикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчида таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хулоса шаклида таржима қиласиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида ҳусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Мухтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оилавий баҳт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «Хикматлар – саодатга етаклар» "الحكم - تقود إلى السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришлиарида Ўзи мададкор бўлсин.




1112. Чап қўлда ичимлик ичиш ва овқатланиш хусусида:  
«Расуулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ: «Чап қўлда  
овқат еманглар, чунки шайтон чап қўлида ейди», деганлар».  
*Имом Муслим ривоят қилган.*



1113. Эркак киши йиғладими, билгинки, унинг ғам-андухи  
тоғлар чўққисидан ҳам юқорилаган бўлади.



1114. Икки нарса – сўзда ростгўйлик ва ишда ихлос хусусида орзуларим чиппакка чиқди.



1115. «Роббим, мени ва зурриётларимни намозни тўқис адо этадиганлардан қилгин. Роббимиз, дуони қабул қилгин» (*Иброҳим сураси, 40-оят*).



اللهم ارزق بنات المسلمين طهارة مريم

وشباب المسلمين عفة يوسف

1116. Аллоҳим! Муслима қизларга Марямнинг поклигини, мусулмон йигитларга Юсуфнинг иффатини ато эт!



العلم في الغربة وطن  
والجهل في الوطن غربة.

1117. Фаридликдаги илм ватандир.  
Ватандаги жаҳолат фаридликдир.



الدنيا قوسين  
| القوس الأول الولادة ، والقوس الثاني الموت |  
فاكتب بينهما جملة مفيدة

1118. Дунё икки қавс оралиғидадир: бириңчи қавс – туғилиш, иккінчи қавс – ўлиш.

Икки қавс орасыга фойдали жумла ёз!



1119. Хато иш қилмаслик ҳақиқий муваффақият әмас. Ҳақиқий муваффақият хатони тақрорламаслықдир.




1120. Муаммо билан унинг ечими орасидаги энг кичик масофа тиззанг билан ер орасидаги масофадир.

Ким (ана шу кичик масофага) Аллоҳ учун сажда қилса, ҳар қандай муаммони қарши олишга қурби етади...



1121. Кўпчилик насиҳатни қабул қиласеради, лекин ҳаким зотларгина ундан манфаат оладилар.



1122. Мен мусулмонман. Ислом – мукаммал дин, лекин мен мукаммал инсон эмасман. Мендан бирор хато содир бўлса, Исломни эмас, менинг ўзимни айбланглар.



1123. Ҳаргиз шошилманг, ризқ шошилишда эмас. Ризқ Лавҳул махфузда вакти-соати билан ёзиб қўйилган. Сабр қилганимизда эди, унинг ўзи бизни қидириб келарди. Лекин инсон шошқалоқ қилиб яратилган.



1124. Бугуннинг ҳикмати:

Очиқласига айблаб, итоб қилиш яширинча нафратдан яхшироқдир.



1125. «Барҳаёт, ўлмайдиган Зотга таваккул қил»  
(Фурқон сураси, 58-оят)

Бир кун келиб тупрокқа айланиб кетадиган, бир нарса сўрасанг, рад жавобини берадиган одамларнинг эшиги олдида сарғайиб туришдан олдин минг марта ўйлаб кўришга чорловчи буюк оят!



1126. Ортиқча бепарволик билан ортиқча эътиборнинг натижаси бир хил. Бунинг оқибатида энг яхши кўрган кишимизни ҳам йўқотиб қўйишимиз мумкин. Васатийя, яъни ўрта йўл бўлмиш мўътадиллик нақадар гўзал!




1127. Намоз – ризқни кенгайтирувчи, қални кучайтирувчи, барака келтирувчи, дангасаликни аритувчи,

азиятларга барҳам берувчи, аъзоларни фаоллаштирувчи, Раҳмон сифатли Зот бўлмиш Аллоҳга яқинлаштирувчиdir.



1128. Уч нарса биродарингнинг қалбида сенга нисбатан дўстликни мустаҳкамлайди: (сўзни) салом билан бошлаш; мажлисда унга жой бериш; энг яхши исми билан чақириш.



1129. Бир шайхдан: «Банда учун тасбех («Субҳаналлоҳ») айтиш афзалми ёки истиғфор («Астағфируллоҳал ъазийм ва атубу илайх») айтиш афзалми?» деб сўрашди. У шундай деди: «Кийим покиза бўлса, унга хушбўй нарса тутатиш ва атиргул сувини суртиш фойда беради. Кийим ифлос бўлса, унга совун ва иссиқ сув фойда беради. Демак, «Субҳаналлоҳ»ни айтиш

покиза кишиларнинг хушбўй нарса тутатишидир. «Астағфируллоҳал ъазийм ва атубу илайх» эса гуноҳкорларнинг совунидир».



1130. Бир йиллик (фойдани) режа қилсанг, гуруч эк. Йигирма йиллик (фойдани) режа қилсанг, дараҳт эк. Юз йиллик (фойдани) режа қилсанг, одамларга таълим бер.



1131. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Киш мўминнинг баҳоридир. Унинг қисқа кунларида рўза тутади, узун тунларида қоим бўлади», дедилар».

*Байҳақий ривоят қилган.*



1132. Ўлим – қалбнинг гуноҳни ҳис қилишдан тўхтаб қолмоғидир.



1133. Аслида эркакларга «Мўминларга айт, кўзларини тийсинлар», аёлларга эса «Мўминаларга айт, зийнатларини кўрсатмасинлар» оятлари кифоя қиласди (*Hur surasi, 30-31-oяллар*).

Ҳар биримиз ўзимизга буюрилган нарсага амал қилсак, муаммосиз юрамиз.

## يقول الإمام الشافعي

كَلْمَا تَعْلَقْتَ بِشَخْصٍ تَعْلَقَ  
أَذَاقَكَ اللَّهُ مِنْ التَّعْلُقِ  
لَتَعْلَمَ أَنَّ اللَّهَ يَغْارُ عَلَى قَلْبٍ تَعْلَقَ  
بِغَيْرِهِ  
فِي صِدْكَ عَنْ ذَاكَ لَيَرْدِكَ إِلَيْهِ  
فِي أَرْبَابٍ لَا تَعْلُقْ قُلُوبُنَا إِلَّا بِكَ

1134. Имом Шофеъий айтадилар:

«Бирор кимсага боғланиб қолсанг, Аллоҳ сенга боғлиқлик аламини тоттириб қўяди. Бунинг сабаби шуки, Ўзига қайтишинг учун У Зот бошқага боғланиб қолган қалбингни ундан тўсади.


Роббим, қалбларимизни фақат Ўзингга боғла!



1135. Куръонда хар қандай етишмовчиликдан фаровонликка, хар қандай қийинчиликдан эминликка, хар

қандай залолатдан ҳидоятга ва ҳар қандай фитнадан омонликка чиқиш йўли бор.

«Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур» (*Исро сураси, 9-оят*).



1136. «Бизга Аллоҳ ёзиб қўйган нарсадан бошқа нарса етмайди. У Зот хожамиздир. Мўминлар Аллоҳгагина таваккул қилинлар», деб айт» (*Тавба сураси, 51-оят*).



1137. Оғзингдан чиқаётган ҳар бир сўзга эътиборли бўл, уни танлашда жуда эҳтиёт бўл. Айтган биргина сўзинг кимнингдир қалбида умрбод қолиб кетиши мумкин.



1138. Уч хил кўз ёшидан эҳтиёт бўл: онангнинг кўз ёши, етимнинг кўз ёши, мазлумнинг кўз ёши.



1139. Бирор кун йиғлашни орзу қилмадим.  
Лекин замонамнинг ғамлари мени йиғлатди.  
Нафсим хоҳлаганидек яшашни орзу қилдим.  
Лекин нафсим замонам каби яшашни хоҳламокда.



1140. Кампир егулигини мушуклар билан баҳам кўрмоқда, чунки у чинакам очликни ўзида ҳис қилмоқда. Унда Аллоҳнинг қуидаги ояти гавдаланмоқда:

«**Ва ӯзларининг ҳожатлари бўлса ҳам,** (уларни) **ӯзларидан устун қўярлар**» (*Ҳашр сураси, 9-оят*).



1141. Истиғфор айтиш билан ризқ йўлини гуноҳлар уюмидан тозалаб тур: «Астағфируллоҳ!»ни кўп айт.



1142. Ҳар гал намозга киришганингда дунёда енгиллик ортиб боришини ҳис қиласан.



1143. Инсон ўзининг қадрини қанчалик билмаса, бошқаларнинг қадрини шунчалик билмайди.



فَكُلُّ بَلَاءٍ وَشَرٍ فِي الدُّنْيَا<sup>وَالآخِرَةِ</sup> فَسَبِّهِ النَّوْبُ  
وَمُخَالَفَةُ أَوْامِرِ الرَّبِّ

1144. Дунё ва охиратдаги ҳар бир бало ва ёмонликнинг сабаби – гуноҳлар содир қилиш ва Аллоҳнинг амрига мухолиф бўлишдир.



1145. Бугун китоб ўқи, эртага унинг ёғдусида яшайсан!



1146. Интизор бўлиб кутишдан олган таълимим шу бўлдики, Роббимнинг раҳматидан бошқа нарсани кутмайман!



1147. Абу Лаҳаб Қурайшнинг аслзодаси бўлмиш ҳошимийлардан эди, лекин ёниб турган оловга киради.


Билол ибн Рабоҳ ҳабаший қора қул эди, лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жаннатда унинг қадам товушини эшитдилар.

Эй одам боласи, аждодларинг билан фахрланишни бас қил!

**افعل الخير مهما استصغرته فلا  
تدرى أى حسنة تدخلك الجنة**




1148. Яхшилик қанчалик кичик бўлмасин, уни қилавер. Ахир қайси бир яхшилик сени жаннатга киритишини билмайсан!



1149. Анас ибн Робеъ айтдилар:

«Ким дўзахга кирса, ҳеч бўлмаганда маълум муддат у ерда туради. Бизга етиб келишича, бу муддат 80 йилга teng. Бир йил – 360 кун. «Роббинг наздиаги бир кун сизлар санайдиган минг йилга тенгдир» (*Хажс сураси, 47-оят*).

Мен билан дўзахнинг орасини машриқ билан мағриб орасидек узоқ қил, Аллоҳим!



1150. Аллоҳ таолонинг Китобига узоқ вақт, доимий назар солишдан кўра қалб ва рухни озиқлантирадиган, жисмни

мухофаза қиласынан да бағыт-саодат кафолатини берадиган нарсани күрмадим.



1151. Арабларнинг даҳоларидан бири бўлмиш Қайс ибн Саъд розияллоҳу анҳу: «Ислом бўлмаганида, шундай ҳийлаларни қўллар эдимки, уни кўтаришга арабларнинг тоқати етмас эди», деганлар.

Яна у зот вафотлари олдидан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ҳийла ва алдов дўзахдадир» деганларини эшиитмаганимда, бу умматнинг энг ҳийлакори ва маккори мен бўлар эдим», деганлар.



1152. Аллоҳ сен билан бирга эканини унугтган заҳотинг танҳоликни ҳис қиласан. Шундай экан, Аллоҳ билан бирга бўлгин, Аллоҳ ҳам сен билан бирга бўлади.



1153. Бир неча сония давом этган зилзила одамларнинг юрагига қўрқув солиб, уларни уйлардан, ишхоналардан кўчага олиб чиқади!

Охират зилзиласида аҳволимиз не кечаркин?  
Аллоҳим, хотимамизни хайрли қилгин!



1154. Аллоҳдан қўрқиши шижоатдир. Унга ибодат қилиш хурриятдир. Унга хорлик изҳор этиш кароматдир. Унинг маърифати кучли ишончдир.

*Мустафо Маҳмуд*




1155. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳдан: «Нима учун тунда таҳажжуд ўқийдиганларнинг юзи гўзал бўлади?» деб сўрашди. У зот шундай дедилар: «Улар Раҳмон сифатли Зот – Аллоҳ билан холи қолишганда У Зот уларга Ўз нуридан ато этади».



1156. Бутун қалбинг билан яхши кўрма!

Бутун қалбинг билан ёмон ҳам кўрма!

Эртанги кун сен учун нималарни яшириб қўйганини билмайсан. Севикли кишинг душманга, душманинг дўстга айланиб қолиши мумкин!



1157. Шундай сўзлар борки, улар бармоқлар билан ёзилади...

Шундай сўзлар борки, улар қалб билан ёзилади....

Аввалгиси сатрларда эриб кетади.


Иккинчиси қалбларда эриб кетади.  
Шунинг учун бармоқларингиз билан эмас, қалбингиз билан ёзинг.



1158. Аллоҳим! Қалбимни Ўзингга топширдим, унда Ўзингдан бошқага жой қолдирма!

Тилимни Ўзингга топширдим, у фактат Сенинг зикринг ва Сенга шукр қилиш билан машғул бўлсин!


«Лаа илааха иллаллоҳ, Мұхаммадур расулуллоҳ»  
калимасини Ўзингга топширдим, уни ўлим пайтида менга эслатгин!



1159. Бугуннинг ҳикмати:  
Тўда ва оломоннинг борар манзилини аниқ билмасанг,  
уларга эргаша кўрма!



1160. Ҳар бир нарсани тўғрилаш учун иккинчи имконият, иккинчи фурсат бор. Фақат ростгўйлик ва ишончда ундей эмас. Бу иккиси вайрон бўлса, минг бор фурсат берсанг ҳам, асл ҳолига қайтмайди.




1161. Ким «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллах» сўзини айтишда бардавом бўлса, унинг учун қалб ҳаёти тақдир қилинади.




1162. Ақли, табиати ва ахлоқи турли кишилар билан муомала қилинганда сабрга, гохида эса қасдан ўзини билмаганга солишга эҳтиёж сезилади.



1163. Кимдир шахсиятингни айблаб, таҳқирладими, демак, у сен каби бўлишни орзу қилган, аммо уддасидан чиқа олмаган...



1164. Яхшиликка йўювчи некбин киши ҳар қандай жойда баҳтли ҳаёт кечира оладиган бирдан-бир шахсdir.



1165. Қалам хиёнатидан кўра ёмонроқ нарса йўқдир! Хиёнатчи ўқ бир кишининг ҳаётига зомин бўлади. Хоин қалам эса бутун миллатни ҳалок қиласади.



1166. Солих салафларнинг биридан: «Кўзни номаҳрамлардан тийиш учун нима қилиш керак?» деб сўрашди. У зот: «Аллоҳнинг сенга қаратилган назари қараётган кимсангга қаратилган назарингдан муқаддам эканини унутмаслик керак», деди.


(Сен номаъқул нарсага назар солишингдан олдин Аллоҳ бу номаъқул ишингни қузатиб турибди)



1167. Неъматга ғарқ бўлган пайтингда муҳтожларни ҳам унутма!



1168. Ҳаёт олди-бердидан иборат. Лекин баъзилар факат олиш билан кифояланишади.




1169. Роббим, мени балою офатга гирифтор этсанг, сабрли бандаларингдан қилгин!

Неъмат ато этсанг, шукр қилувчи бандаларингдан қилгин!



1170. Ҳар гал одамларга аралашганим сари ахлок ҳам ризқ каби Аллоҳ томонидан тақсим қилиб қўйилганига ишончим ортиб бораверди. Уларнинг орасида ҳам бойлари ва камбағаллари бор экан.



1171. Ортингдан гапиришади, чунки улар ҳақиқатдан ҳам ортингдадир.



1172. Икки нарса барча ёзган нарсаларингни кузатиб боради. Аслида улар сени кузатувчилар рўйхатида йўқ.

Уларнинг бири чап томонингда, иккинчиси ўнг томонингда.

Шундай экан, ёзаётган нарсаларингга диққат-эътиборли бўл!



1173. Жисм соғлом бўлса, озгина овқат ҳам етарли. Қалб салоҳиятли бўлса, озгина ҳикмат ҳам кифоя.



1174. Ишонч ўчириғич кабидир. Хатолар кўпайгани сари кичрайиб бораверади.



1175. Ортимдан текшириб, кузатиб юрадиган онанинг қизи эмасман...

Балки Аллоҳ мени доимо кўриб туришини ўргатган онанинг фарзандиман.




1176. Солиҳларга ҳамсухбат бўлсанг, олти нарсанг олти нарсага айланади:

1. Шак-шубҳаларинг кучли ишончга.
2. Риёларинг ихлосга (холисликка).
3. Ғафлатинг зикрга.
4. Дунёга рағбатинг охират рағбатига.
5. Такаббурлигинг тавозеъга.
6. Ёмон нияting насиҳатга.



1177. Яхшилик эккан раҳмат теради.



1178. Бир кишига: «Бизга тақвони сифатлаб беринг», дейишиди. «Тиканзорга кириб қолсанг нима қиласан?» деди у. «Ўзимни эҳтиёт қиласан», дейишиди. «Дунёда ҳам шундай бўл. Ана шу тақводир», деди у.



1179. Аҳмоқ билан тортишган одам унинг жавобини эшитиб, чидашга маҳкумдир!



1180. Мол-дунё яхши хизматкор, лекин бузгунчи хожадир!

(Мол-дунё сизга хизмат қилса яхши, лекин устингиздан ҳукмрон бўлса, ёмон).



1181. Фурур кўпайган сари шодлик камайиб боради.



1182. Имом Шофеъий айтдилар:

«Кимнидир ғийбат қилсам, онамни ғийбат қилган бўлардим, чунки ҳасанотларимга эга чиқишига онам ҳақлироқ».

(Зеро, Қиёмат куни гийбатчининг савоблари гийбат қилинган кишига олиб берилади).



1183. Гуноҳ – дард, истиғфор – доридир. Шифо эса тавба қилиб, ўша гуноҳни такрорламаслиқдир.



1184. Сажда қиладиган жой кичик, лекин сажда пайтидаги рухият бутун олам ва ундаги нарсалардан кенгроқдир.



1185. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: «Яхши хулқнинг ўндан тўққизи ўзини билмаганга солишдир», дедилар.

Ўзини билмаганга солиш – бошқаларнинг айблариға қарамаслиkdir.




1186. Эшитувчи қулоқ топилмаса, чакимчи тил ҳам бўлмасди.




1187. Ёмон ўртоқ чивинга ўхшайди, чаққанидан кейингина сезасан!

*Мустафо Лутфий Манфалутий*



1188. Ҳақиқий йўқотиш – намозсиз ўтган ҳаёtingдир.



1189. Шайтон сенинг ўтмишиングни эслатса, сен унинг келажагини эслатгин (шайтоннинг келажаги жаҳаннамдир.)

Аллоҳим! Бизлардан инсу жин шайтонларни йироқ қилгин!



1190. Туғилган пайтимиизда бир хил, вафот этганда эса ҳар хил бўламиз. Ибрат ибтидода эмас, интиходадир.


Роббимиз, Сендан гўзал хотима сўраймиз!



1191. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки бало (ногиронлик ёки беморлик) етган кишини кўриб, «Алхамду лилахиллазий ъафааний миммаа ибталаака бихи, ва фаддоланий ъалаа касирин мимман холақо тафзийла» деса, унга ана шу бало етмайди», дедилар.

*Термизий ривоят қилган.*

(Маъноси: «Бу дардан мени оғиятда қилган учун ва кўпчиликдан афал қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин».)



1192. Қуръондаги бир оят хусусидаги мулоҳаза:

**«Биз сенга қироат қилдирмиз, сен эса эсдан чиқармайсан» (Аъло сураси, 6-оят).**

Ёд олиш улкан неъмат, ёд олганини унумаслик ундан ҳам улуғ неъматдир.



1193. Ким хатога йўл қўйса, у инсондир. Ким хатода маҳкам туриб олса, у шайтондир.



1194. Билки, қалб ҳозирлигининг сабаби ҳимматдир, чунки қалбинг ҳимматингга тобеъдир. Шундай экан, қалбингни фақат муҳим нарсаларга ҳозирлагин.

*Абу Ҳомид Ғаззолий*




طلب أحد ملوك الهند من وزيره أن  
ينقش على خاتم له جملة  
إذا قرأها وهو حزين فرح ،  
وإذا قرأها وهو سعيد حزن ،  
فنقش الوزير..

**(هذا الوقت سوف يمضي)**

1195. Ҳинд подшоҳи вазирига: «Узугимга шундай жумла ёзгинки, уни ўқиганимда хафа бўлсам шодланай, баҳтли бўлсам маҳзун бўлай», деди. Вазир узукка «Бу онлар ҳам ўтар-кетар» деб ёздирди.



1196. Режаларингни овоза килмай, жимгина амалга оширгин, муваффақият қозонганингда ўша ютуғингнинг ўзи шов-шув бўлиб, машҳурлик келтиради.



1197. Сунбул ўсимлиги катталашгани сайин эгилиб боради. Олим ҳам илми кўпайгани сайин тавозели бўлиб боради.



1198. Қўрқоқлик ва хавотир келажакнинг энг катта душманидир.



1199. Ким ахлоқ билан хушбўйланса, унинг хуш бўйи ҳеч қачон йўқолмайди.



1200. Янги ҳаётингни қаердан бошлишни билмасанг, намоздан бошла!



1201. Қанчадан-қанча мияси бўм-бўш кимсалар бор, жағи тинмайди!


Қанчадан-қанча донишманд ва оқиллар бор, улардан бирор сўз эшитмайсан.



1202. Дин, ақл, тинчлик ва оғият, айбларингнинг сатр қилиниши, кўзингнинг кўриши, ризқ, зурриёт ва бошқа неъматлар учун Роббингга шукр қил!



1203. Ер сажда қилувчиларнинг пешоналарини унутмайди. Тун ибодат қилувчиларнинг ноласини унутмайди. Юз тавба қилувчиларнинг кўз ёшларини унутмайди.



1204. Аллоҳим! Ишларимизни Ўзинг тадбир қилиб бер, чунки ўзимиз гўзал тадбир қила олмаймиз!




1205. Ким Роббини таниса, ҳаётдаги ҳар бир нарсани гўзал холатда кўради.

قال الإمام مالك رحمه الله :  
إذا رأيت الرجل يدافع عن الحق  
فيشتم ويسب ويغضب  
فاعلم أنه معلول النية؛  
لأن الحق لا يحتاج إلى هذا

1206. Имом Молик раҳимаҳуллоҳ: «Бир киши ҳақни мудофаа қилаётиб, ҳақорат, сўкиш ва ғазаб сочаётганини

кўрсанг, билгинки, унинг ниятида иллат бор. Зоро, ҳақ бундай нарсага муҳтож эмас», дедилар.



1207. Гуноҳларим хусусида мени энг кўп қайғуга соладиган нарса Аллоҳнинг неъматларидан бири воситасида гуноҳ қилишимдир.

*Aхмад Шуқайрий*

قَالَ الْحَسْنُ الْبَصْرِيُّ  
**إِنَّ الرَّجُلَ لِيَذْنَبُ  
 الذَّنْبَ ؟**  
**فَيُحَرِّمُ بِهِ قِيَامَ  
 اللَّيلَ ؟**

1208. Ҳасан Басрий: «Киши бир гуноҳ қиладики, ўша сабабли тунги таҳажжуд намозидан маҳрум бўлади», дедилар.



1209. Бахт-саодатнинг энг оддий калити Аллоҳнинг зикридир.



1210. Ҳаёт яхши кўрган нарсаларимизнинг ҳамасини ҳам беравермайди. Лекин қаноат ҳаётдаги ҳамма нарсани беради.



1211. Муваффақиятсизлик лаҳзаларида уйқу ёки овқатдан паноҳ топма, балки Аллоҳга илтижо қил! Ана шунинг ўзи шифоимизнинг калитидир.



1212. Ижобий ўзгариш ичкаридан ташқарига бўлади.

Аввал ўзингни ўзгартириш, ўзингни ўзгартирсанг, ахли-аёлинг ҳам, дўст-ёрларинг ҳам, эл-юртинг ҳам, ҳатто дунё ҳам ўзгаради.



1213. Фейсбук сени фарз намозлардан чалғитиб қўймасин.



1214. Сўзларинг ёзиб қўйилган, оғзингдан чиққан сўз ҳисобга олинган, ўзинг эса талабгор, яъни боришинг кутилаётган кимса бўлсанг, гуноҳларингга ҳануз тавба


қилмаган бўлсанг, ҳаёting қуёши ботиш томон оғаётган бўлса, қалбинг энг тошбағир қалблардан бўлса, қачон тавба қиласан?!



1215. Ким аввал гапириб, кейин фикрласа, охирида надомат чекур.



1216. Аллоҳим! Ғафлат пайтидаги, тўсатдан келувчи ўлимдан бизни йироқ қил!




1217. Бир кишининг хатосини кўрсатмоқчи бўлсанг, унинг хузурида тўғри ишни қил.



1218. Аллоҳнинг хос бандаларидан бўлишни хоҳласанг, аҳли Қуръонлардан бўл.



1219. Уламолардан бири айтади: «Ёлғиз ҳолингда бир кишини эслаб, табассум қилсанг, билгинки, сен билан унинг орангизда чинакам садоқат бор экан».



1220. Гуноҳ ва маъсиятга ботган ҳолингда ҳам Аллоҳ сендан неъматларини дариғ тутмаяптими? Демак билиб қўй, сен истидрождасан, яъни арқонинг узун ташлаб қўйилибди.

Гуноҳ қилсанг ҳам, Аллоҳ сенинг айбларингни яшириб, шарманда қилмай турган бўлса, билиб қўйки, У Зот дарҳол (тавба қилиб) Ўзи томон қайтишингни хоҳламоқда.



1221. Ҳалолнинг эшиклари жуда кўп. Аммо нима учун «Кириш мумкин эмас!» деб ёзиб қўйилган ҳаром эшикни тақиллатиб, ҳаётингни оғирлаштираверасан?!



1222. Қуръон сенга қисқа сўзлар билан олам-олам маъноларни тортиқ қиласди.



1223. Шаҳодатнома, диплом, магистрлик илмий даражаси, докторлик унвони – буларнинг барчаси қабрдаги илк кечада тўзон каби сочилиб кетади. Факат «Роббинг ким?» «Дининг нима?» «Пайғамбаринг ким?» деб ўрганилган нарсалар қолади, холос.



1224. Мұхаммад алайхиссаломдан бошқа ҳеч ким душманларининг ҳурматига сазовор бўлган эмас. У зот кўплаб душманларини Исломга киритишга мушарраф бўлган.

Лев Толстой



1225. Содда ҳаёт тарзи баҳт-саодат белгисидир.



1226. Нима учун Аллоҳ қалбнинг қорайишини тошга ўхшатди? Ахир мавжудотлар ичида тошдан ҳам қаттиқроқ нарсалар бор-ку!

**«Сўнгра, шундан кейин қалбларингиз қаттиқ бўлди.  
Улар тошдек ёки тошдан ҳам қаттиқ»** (*Бақара сураси, 74-оят*).


Имом Абдурраҳмон Саъдий раҳимахуллоҳ ушбу оят хақида шундай дедилар: «Қалб қаттиқлиги тошга ўхшатилмоқда. Ваҳоланки, мавжудотлар ичида тошдан ҳам қаттиқ нарсалар бор. Лекин агар темир ёки қўрғошин оловда қиздирилса, эриб кетади. Тош эса оловда ҳам эримайди».



1227. «У Кунда на молу давлат ва на бола-чақа фойда бермас. Магар Аллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)» (*Шуаро сураси, 88-89-оятлар*).



1228. Биролар отган тошлардан кучли ва мустаҳкам пойдевор қура олган инсон чинакам муваффақиятга эришган шахсдир.




1229. Тўғри, шайтон йўлдан уради, лекин мажбурламайди.

اذا ظلمت فقل  
**”حسبى الله ونعم الوكيل“**  
 و اذا ابتليت فقل  
**”حسبى الله ونعم الوكيل“**  
 و اذا صافت بك السبل و بارت الحيل  
 ولم تجد من الناس انيسا ولا مونسا فقل  
**”حسبى الله ونعم الوكيل“**  
 و اذا كنت برينا و عجزت عن اظهار الحقيقة فقل  
**”حسبى الله ونعم الوكيل“**  
 و اذا اجتمع القوم ليوذوك فقل  
**”حسبى الله ونعم الوكيل“**  
 اذا ارتج عليك و ضاق فهمك و تعسر ادراكك فقل  
**”حسبى الله ونعم الوكيل“**

1230. Зулм кўрсанг; балога дучор бўлсанг; боши берк кўчага кириб қолсангу, ҳийлалар фойда бермай қўйса, одамлар ичидан дилкаш дўст топа олмасанг; беайб бўлиб туриб, ҳақиқатни кўрсатиб беришдан ожиз қолсанг; бир қавм сенга озор бериш учун тўпланса; миянг чайқалиб, фахму идрокинг оғирлашса – «Ҳасбияллоҳу ва неъмал вакил», дегин.

*Маъноси: «Аллоҳнинг Ўзи кифоя қиласи, У нақадар яхши вакил».*



1231. Бахтли оқибат – жаннат эшиги олдида кириш рухсатини кутиб туришдир.


Аллоҳим! Сендан ҳисоб-китобсиз, азобга учрамай жаннатга киришни сўраймиз!



1232. Энг ажойиб инсон ўзи муҳтоҷ бўла туриб бошқаларга хурсандчилик ато этган инсондир.



1233. Кўпчилик вақтни текин деб ўйлайди. Ваҳоланки, у дунёдаги энг қимматбаҳо нарсадир.



1234. Ўзи ҳақида кўп сўзлайдиган киши одамларнинг ичидаги энг кўп ёлғон гапирадиганидир.



1235. Ҳар қандай нарсани тарк қилсанг, сўлиб, ланж бўлиб қолади. Фақат Қуръон ундей эмас. Агар уни тарк қилсанг, ўзинг сўлиб, ланж бўлиб қоласан.



1236. Ибн Масъуд розияллоҳу анхумо:  
«Ажалим қисқариб, унда амалим кўпаймасдан, қуёш ботган кундаги надоматим каби афсус чекмадим», дедилар.



1237. Шаҳватларга боғлиқ қалблар ўша шаҳватга қанчалик боғлиқ бўлса, Аллоҳдан ўшанча тўсилгандир.



1238. Жим туриш санъати бор. Гапириш санъати бор. Аммо муносиб пайтни топа билиш санъати мана шу иккисидан ҳам улканроқ экан, чунки номуносиб вақтда жим туриш хорликдир, номуносиб вақтда гапириш эса аҳмоқликдир.

Гапириш учун муносиб вақтни бил!




1239. Кичик нарсалар вакт ўтиши билан катта нарсаларга айланади!




1240. Мұхаммад соллаллоху алайҳи васаллам!

Мен бу зотнинг ҳаётини ўрганиш давомида ақл бовар қилмайдиган нарсаларни күрдим. У насронийларга душман бўлмаган экан. Мен бу зотни «Бутун инсониятнинг халоскори» деб аташ керак экан, деган қарорга келдим.

*Жорж Бернард Шоу*



1241. Қийинчилик ва мاشаққат инсонни ўлдирмайды.  
Инсонни ғамгинлик ва хафалик ўлдиради.




1242. Онг ва идрок ёшда эмас, бошда (ақлда) бўлади!  
Ёш – ўтган кунларинг саноғи, холос. Ақл эса тушунчаларинг ва ҳаётга ишончинг маҳсулидир!



1243. Ёш болани юқорига осмонга отсанг кулади, чунки уни ерга туширмай, ушлаб олишиングни билади. Мана шу ИШОНЧдир.

Сен ҳам «Қазои-қадар мени осмонга отса, йиқилмасимдан олдин Роббимнинг раҳмати ушлаб олади», деб билгин. Мана шу Роббингга ишончдир.



1244. Қасос ўтида ёниб, ўч олишга интилганингда иккита қабр кавлаётган бўласан. Уларнинг бири ўзингладир!



1245. Йўлга тушиб, саъй-ҳаракат қилиш мақсаднинг ҳажми ва миқдорига қараб бўлади.

Масалан, Аллоҳ «Ризқ талабида юринглар», деган.

**«Унинг турли жойларида юринг ва Унинг ризқидан енг» (Мулк сураси, 15-оят).**

Аллоҳ «Намозга шошилинг», деган.

**«Эй иймон келтирганлар! Жума кунидаги намозга нидо қилинганда Аллоҳнинг зикрига шошилинг, савдони қўйинг. Агар билсангиз, мана шу ўзингиз учун яхшидир» (Жума сураси, 9-оят)**

Аллоҳ «Жаннатга шошилинг», деган.

**«Роббингиздан бўлган мағфиратга ва кенглиги осмонлару ерча бўлган, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга шошилинг» (Оли имрон сураси, 133-оят).**

Аллоҳ «Мен томон қочинг», деган.

**«Факат Аллоҳгагина қочинг» (Зарият сураси, 50-оят).**

*(Одатда инсон хавфу хатардан, бало-офатдан қочади. Бу оятда тилга олинган хавф-хатар – динсизлик, гафлат ва*

осийликдир, ундан қочиши эса гуноҳ ва ҳаром ишларни тарк этиб, Аллоҳга юзланиши, Унга илтижо қилиши билан бўлади. Аллоҳга қочишида инсон учун улуг саодат ва мартаба бордир.)



هل تريد الوصول للسعادة ؟  
الحل سهل جداً  
اتبع النصائح التي  
تقدمها أنت للأخرين

al-ahwaz  
dunya

1246. Бахт-саодатга эришишни хоҳлайсанми? Ечими жуда осон: бошқаларга қилаётган насиҳатларингга ўзинг ҳам амал қил!



من قُنْعَنَ مِنَ الدُّنْيَا بِالْيُسِيرِ هَانَ عَلَيْهِ كُلُّ عُسِيرٍ

بستان الحكماء

1247. Ким дунёning озига қаноат қилса, унинг учун ҳар қандай қийинчилик арзимас бўлиб қолур.



1248. Умар ибн Абдулазиз: «Охиратингизни ислоҳ қилинг, шунда дунёингиз ҳам ислоҳ бўлади», деганлар.



1249. Қалбинг эшигини ноумидлик тақиллатса, Роббингнинг Китобини очиб, қалбингга «**Албатта, қийинчилик билан осонлик ҳам бордир. Албатта, қийинчилик билан осончилик ҳам бордир**», деб пицирлагин. (*Шарҳ сураси, 5-б-оятлар.*)

(Эътибор беринг, юқоридаги оятларда қийинчиликдан кейин эмас, балки ўша қийинчилик билан бирга осонлик борлиги икки марта таъкидланмоқда).



1250. Бетоблик – инсонга «Мунча заиф бўлмасанг!» дея ёзилган мактубдир.

Роббим, офииятингга муҳтоҷ бўлган ҳар бир кимсага шифо бер!

**قاعدة رياضية:**

بقدر إضاعة الصلاة يكون الابتلاء بالشهوات والدليل قوله تعالى :

﴿أَصَاغِرُ الْمُنْكَرِ﴾ مريم: ٥١

بقدر الاهتمام بها يكون البعد عن الشهوات والدليل قوله تعالى:

﴿إِذَا كُنْتَ صَلَوةً تَهُنَّ عَنِ الْمُفْحَشَاتِ وَالْمُنْكَرِ﴾ العنكبوت: ٥٠

قال العلامة الشنقيطي رحمه الله :

«لن تجد أحدا يحافظ على الصلاة عند سمع أذانها إلا وجدته أشرح الناس صدرا وأوسعهم بala لأن من أقام أمر الله أقام الله له أمره»

1251. Раббоний қоида:

Намозни қанча зое қилсанг, шаҳватга шунча мубтало бўлаверасан. Бунга Аллоҳнинг сўзидан қуидаги оят далил бўлади:

**«Ортларидан шундай ўринбосарлар қолдики, улар намозни зое қилиб, шаҳватларга эргашдилар»** (*Марям сураси, 59-оят*).


Намозга қанча эътиборли бўлсанг, шаҳватдан шунча йироқ бўласан. Бунга Аллоҳнинг сўзидан қуидаги оят далил бўлади:

**«Албатта, намоз фаҳш ва мункардан қайтарур»** (*Анкабут сураси, 45-оят*).

Аллома Шинқитий раҳимаҳуллоҳ: «Аzonни эшитиши билан намоз ўқишда бардавом бўладиган кишининг қалби очик, фикри теран бўлади. Зоро, ким Аллоҳнинг амрини адо этса, Аллоҳ ҳам унинг ишларини раво қилади», дедилар.



1252. Нима қилишни билиш ҳикматdir.  
Уни қандай қилишни билиш маҳоратdir.  
Уни амалга ошириш эса муваффақиятdir.



1253. Ҳакимлар айтадилар:

«Жоҳиллар даврасида жим ўтири.

Уламолар даврасида ҳам жим ўтири.

Жоҳиллар олдида жим турсанг, ҳилминг ўсади.

Уламолар олдида жим турсанг, илминг ўсади».



1254. қўрқаяпсанми?

– Ҳа!

– Нимадан?

– Ўқиётган намозим Аллоҳ хоҳлаганидек бўляптимикан...



1255. Дунёдаги энг улкан қурилиш – гуноҳлар кўлмаги устига истиғфор кўпригини қуришдир.



1256. Имом Ахмадга: «Биз билан Раҳмоннинг Арши оралиғи қанча?» дейишиди. У зот: «Сидқидилдан қилинган кучли ва чинакам дуочалик», дедилар.



1257. Аллоҳ қазои қадарни тақсимлаётганда сен хоҳлаган нарсани беравермайди.

Яхши билгинки, Аллоҳ сенга ўзинг хоҳлаганингдан ҳам гўзалроғини беради!



1258. Ишга кечикканимизда бошлиқдан уялиб, бошимизни ҳам қилиб, зўрга гапирамиз. Аллоҳнинг ҳузурида туриладиган намозга кечикканда ҳам шундаймизми?



1259. «Етти осмону ер ва улардагилар У Зотга тасбех айтур. У Зотнинг ҳамди ила тасбех айтмаган ҳеч нарса йўқ. Лекин уларнинг тасбеҳини англамайсизлар» (*Исрораси, 44-оят*).

Баъзи солих салафлар: «Минадиган маркабингиз, киядиган кийимингиз Аллоҳни сиздан кўпроқ зикр қилишидан уялмайсизми?» дейишган.



1260. Энг оғир азоб берадиган нарса – онаси йўқ хонадон ва намозсиз ҳаётдир.



1261. Аллоҳим! Ҳабибимиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳақорат қилиб, шаънларига бемаъни сўзлар айтадиганларнинг тилини ёндири!



البنت .. بعد كتابة عقد الزواج  
تخرج من ذمة أبيها وتدخل في ذمتك  
ففكراً قليلاً قيل أن توقع العقد  
إما أن تعزها كأبيها أو تتركها لله

1262. Никоҳ шартномаси имзолангач, қиз отасининг кафиллигидан чиқиб, сенинг кафиллигингга ўтади. Никоҳ шартномасига имзо чекишдан олдин бир ўйлаб кўй: ё уни отасидек азиз тут, ё уни отасининг ўзида қолдир.



الزواج الفاشل  
رجل اختار  
جسد ا  
وامرأة اختارت  
بنكا

1263. Оиланинг бузилишига нима сабаб бўлди: эр гўзал қоматга, хотин эса мол-дунёга учган эди.

هل تعلم :

في العهد العثماني كان على أبواب المنازل مطريقتين، إحداهما صغيرة والأخرى كبيرة ..

\* فعندما يطرق الباب بالصغيرة :  
يُفهم أن الذي يطرق الباب "امرأة"  
فكان تذهب سيدة البيت وتفتح الباب ..

\* وعندما يُطرق بالكبيرة :  
يُفهم أن بالباب "رجل" فيذهب رجل  
البيت ويفتح الباب ..

\* وكان يوضع على باب المنزل الذي  
فيه مريض "باقية ورد حمراء" :  
لیعلم المارة والباعثة والمتجولون  
بوجود مريض في هذا المنزل فلا  
يصدرون أصوات عالية ..

.. يوماً كنا أمّة عظيمة ..

## 1264. Биласизми?

Усмонийлар даврида уйларнинг дарвозаси олдида иккита болғача турган. Уларнинг бири кичик, бири катта бўлган. Кичиги билан тақиллатишса, демак, аёл киши тақиллатяпти деб, дарвозани аёл киши очган. Каттаси билан тақиллатишса, эркак киши экан деб, дарвозани эркак киши очган.

Бемор бор хонадон дарвозасининг олдига бир даста қизил атиргул қўйилган. Кўчадан ўтаётганлар уларни кўриб, бу хонадонда bemor борлигини билиб, овозларини пастлатишган.

Ана шундай буюк уммат бўлганмиз...



1265. Аллоҳдан узоқлаштирувчи иллатлар билан – дангасалик, шаҳват, ёлғон, норозилик, мутаассиблик, қаҳр, ғазаб, муккасидан кетиш, карих кўриш, худбинлик, бузғунчилик (фиштлари) билан девор қурма!



1266. Таҳорат олган эдим, қалбимдаги қайғу ариди. Сажда қилган эдим, нафсим ва руҳим хотиржам бўлди. Шунда Роббимнинг зикрисиз юришга қурбим етмаслигига ишонч ҳосил қилдим.




"مَنْ تَعْلَمَ الْقُرْآنَ؛ عَظِّمَتْ قِيمَتُهُ"

الإمام الشافعي

1267. Куръонни ўрганган кишининг қадр-қиммати ортиб бораверади.

*Имом Шофеъий*



فَيَأْلَمُ وَمَنْ كَانَ بِالطَّاعَةِ عِنْدَ اللَّهِ فَرِيقًا،  
كَانَ بَيْنَ النَّاسِ غَرِيبًا.

1268. «Тоат-ибодати билан Аллоҳга яқин бўлганлар одамлар орасида ғариб бўладилар», дейишган.




1269. Эшик ёпилди! Энди сени ҳеч ким қўрмаяптими?

Аллоҳ бу ҳақда Қуръони каримда:

**«Одамлардан яширадилар, аммо Аллоҳдан яшира олмаслар.** (Холбуки, У Ўзи рози бўлмайдиган гапни хуфёна келишаётганларида ҳам) улар билан биргадир», деган (*Niso surasi, 108-оят*).



1270. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
«Аллоҳ таоло бирингиз бир ишни қилса, уни қойил қилиб  
бажарганини яхши кўради», деганлар».  
*Байҳақий ривоят қилган.*



1271. Хушуъ-хузуъсиз ўқиган намозинг савобсиз мاشақкатдир.



1272. Иқтидоринг ва ютуқларингга ҳасад қилмайдиган бирдан-бир инсон отангдир!

(Фарзанд отанинг мевасидир. Одамлар фарзанддаги ютуқни кўриб, бундай муваффақият ортида тургани учун «Отасига раҳмат», дейшишади).



1273. Ёмонликка ёмонлик қайтариб, қарши тураверсак, ёмонлик қачон тугайди? Ахир Аллоҳ таоло Қуръони каримда «Ким афв этиб, ислоҳ қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зими масидадир», деган-ку! (*Шууро сураси, 40-оят*)



1274. Минг афсус... Шундай замонда яшяпмизки, ёмонликка ёмонлик қилмасанг, қүрқоққа чиқарып күйишади.



1275. Опа – онанинг кичик нусхасидир.

قال أحد الحكماء :  
 كل شيء يبدأ صغيراً ثم يكبر،  
 إلا المصيبة  
 فانها تبدأ كبيرة ثم تصغر،  
 وكل شيء إذا كثرة رخص،  
 إلا الأدب فإنه إن كثرة غلا

1276. Бир ҳаким айтган экан:

«Ҳар бир нарса дастлаб кичик бўлади, сўнг катталашади. Лекин мусибат ундей эмас, у катта ҳолда бошланиб, сўнгра кичрайди.

Ҳар бир нарса кўпайган сари арzonлашади. Лекин одобахлоқ кўпайган сари унинг нархи ошади.



1277. Ғазаб қилма!

Ғазабнинг аввали жунун, охири эса надоматdir!



1278. Ёмон авомга аралашибдан кўра узлатда роҳат бор!  
Умар розияллоҳу анҳу.



1279. Агар онанг (бирор иш буюриш учун) ака-укаларинг орасидан сени чақирса, билгинки, Аллоҳ сени ибодатга чорлабди!




1280. Бирортангиз Аллоҳга иймон келтирган ҳолда тоғни қулатишга қасд қилса, уни албатта қулатади.




1281. Солиҳ зотлар эрталабдан яхши савдо қилишса, туш пайти келган харидорларга: «Ёнимиздаги дўконга киринглар, у ерда эрталабдан бери савдо бўлмади», дейишар эди.

**«У қалбларда заррача ҳам ҳасад йўқдир!»**



صَدِيقُ الْكُلِّ...  
لَا يَسْتَعْلِمُ صَدِيقًا لِأَحَدٍ.

1282. Ҳаммага дўстман деган одам ҳеч кимга дўст бўлмайди!



الموت لا يعني فراق الأحبة ، الموت يعني فراق  
العمل الصالح !

1283. Ўлим – яхши қўрган кишиларингдан ажралиш эмас, солих амалларингдан ажралишдир.



1284. Имом Аҳмаддан «Банда роҳат таъмини қачон топади?» деб сўрашди. У зот: «Жаннатга илк қадамини қўйганида», дедилар.

Аллоҳим! Бизга жаннатингни ҳисоб-китобсиз, азоб кўрсатмасдан насиб қил!



1285. Хавотир ўлимни тўсиб қола олмайди, лекин хаётдаги ҳаловатингни тўсади.




1286. Бераётган садақамиз камбағалнинг қўлига тушишидан олдин Аллоҳнинг ҳузурига етиб боришини аниқ ҳис қила олсак эди, олишдан кўра беришдан кўпроқ лаззат олган бўлур эдик.



1287. Ажойиб ҳикмат:


Мол-дунёинг бўлса, пулдор дўстларинг кўпаяди.  
Чиройинг бўлса, хушторларинг кўпаяди.

Ахлоқинг эса бир умрлик чинакам дўстларинг кўпаяди.



1288. Хато содир бўлган заҳоти надомат чекиш соғ табиятнинг овозидир.

*Mустафо Маҳмуд*




1289. Бир кишидан: «Намозингда қандай хушуъ қиласан?» деб сўрашди. «Олдимда Каъба, остимда сирот кўприги, ўнг томонимда жаннат, чап томонимда дўзах, орқа томонимда ўлим фариштаси турибди деб хаёл қиласан», деди у.



1290. «Ибодат бир касбdir. Унинг дўкони хилват, сармояси тақво, фойдаси эса жаннатdir».




1291. Баъзи эшиклар махсус рақамлар билан очилади. Баъзилари эса қўлни теккизиб, итариш билан очилади. Осмон эшиклари эса дуо билан очилади. «Ё Роббим! Ё Роббим! Ё Роббим!» десанг бас!



1292. Энг яхши одам тили қаттиқ, қўли очиқ кишидир.  
Энг ёмон одам жағи очиқ, қўли қаттиқ кишидир.  
Қанчадан-қанча тилини тийган камгаплар бор.  
Қанчадан-қанча қўли очиқ сахийлар бор.  
Тилингиз маҳкам, қўлингиз очиқ бўлсин!



1293. Агар захматдан диққинафас бўлсанг, ҳавони янгилаш учун «Ё Аллоҳ!» калимаси билан дуо дарчасини очгин!



1294. Афсус!


Шундай аҳмоклар борки, мулойимлик билан қилган илтифотингни заифлик деб билишади...



وَعَنْ إِبْرَاهِيمَ النَّخْعَنِيِّ: إِنَّمَا هَذَا مِنْ مَاكَ فَلَكُمْ بِالْكَوْكَبِ حَصَابٌ  
بِفُضُولِ الْكَلَامِ، وَفُضُولِ الطَّعَامِ، وَفُضُولِ الْعَيْنَامِ.

1295. Иброҳим Нахаъийдан ривоят қилинади:

«Сизлардан олдингилар уч хислат: ортиқча сўз, ортиқча овқат ва ортиқча уйқу туфайли ҳалок бўлишган».



1296. Мусулмон биродарим!

Бир кунингнинг бир неча дақиқасини хилватда Аллохнинг зикрига бағишлиб, тин олишга эҳтиёжинг бордир.



1297. Энг баҳтли инсон – қалби илмга, тани сабрга тўлган, борига қаноат қилган инсондир.



1298. Абу Сулаймон Доронийдан ривоят қилинадики, у зот муножотларида: «Аллоҳим, мени гуноҳларим билан

талабгор бўлсанг, мен Сени афвинг билан талабгор бўламан. Сен мени баҳиллигим билан талабгор бўлсанг, мен Сени саҳийлигинг билан талабгор бўламан. Мени дўзахга киритсанг, дўзах аҳлига Сени севишимни айтаман», дер эдилар.



1299. Молик ибн Динор айтадилар:

«Уч нарсани уч нарса билан тия олсанг, мўминлардан бўласан: кибрни тавозеъ билан, ҳирсни қаноат билан ва ҳасадни насиҳат билан».



1300. Ҳасан Басрийдан ривоят қилинади:

«Одоби йўқнинг илми йўқдир. Сабри йўқнинг дини йўқдир. Тақвоси йўқнинг Аллоҳга қурбати йўқдир».



1301. Фиръавн «Мен сизларнинг энг олий Роббингизман», (*Назиъат сураси, 24-оят*) деганида Аллоҳ таоло қандай рад жавоб берганига эътибор беринг!

Аллоҳ Мусо ва Ҳорунларга: «**Фиръавнга боринглар, чунки у туғёнга кетди. Унга юмшоқ сўз айтинглар, шояд эсласа ёки қўрқса**» (*Тоҳа сураси, 43-44-оятлар*), деди.

Солиҳлардан бири ушбу оятни эшитиб, шундай деди: «Покдирсан, Роббим! «Мен сизларнинг энг олий Роббингизман» деган Фиръавнга шу қадар меҳрибонлик кўрсатган бўлсанг, «**Энг олий Роббимни поклаб ёд этаман**» деганларга меҳрибонлигинг қандай бўлар экан?!

«**Сизлар учун ўзимдан бошқа илоҳ борлигини билмайман**», (*Қасос сураси, 38-оят*) деган Фиръавнга шу қадар меҳрибонлик қилсанг, «Лаа илааҳа иллаллоҳ» деганларга меҳрибонлигинг қандай бўлар экан!».

Аллоҳим! Сен афв қилувчисан, афв қилишни яхши кўрасан, бизларни афв эт!



1302. Одамларнинг мақтови сабабли фитнага учраганлар қанчадан-қанча!

Аллоҳ сатр қилгани, яъни гуноҳларини яширгани сабабли ғууруга кетганлар қанчадан-қанча!

(Ҳолбуки, Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳларини ошкор қилмай, яшириб турибди, холос).

Неъмат сабабли истидрож қилинганлар қанчадан-қанча!

(Улар «Бу неъматларга ҳақли бўлганимиз учун Аллоҳ бизга беряпти», деб ўйлашади, ҳолбуки, Аллоҳ улар учун арқонини узун ташлаб қўйган бўлади).

Буларнинг барчаси уқубат ва таҳқир бўлса-да, жоҳиллар уларни каромат деб ўйлашади.



1303. Агар осий кимга осийлик қилаётганини, У Зотнинг нақадар буюклигини билганида эди, бутун умр мағфират сўраб ўтган бўлар эди.



1304. Келажакнинг номаълумлигидан қўрқма! Уни маълум Роббимиз белгилайди.



1305. Садақанинг фазилатларидан:

Билиб қўй: сен садақанинг савобига қанчалик мухтож бўлсанг, сен садақа берган одам ўша садақага бундан ҳам мухтожроқдир!



1306. Бола отасига: «Эшик олдида ахлатчи турибди», деди. Шунда ота: «Ўғлим! Ахлатчи бизмиз, у эса тозаловчи, бизга ёрдам бергани келди», деди.

Нақадар гўзал тарбия!



النصحية بعد وقوع المحظور  
كالدواء بعد الموت

بستان الحكماء

1307. Тақиқланган нарсага йўлиққандан кейинги насиҳат ўлимдан кейинги дорига ўхшайди.



1308. Тунда намоз учун қилган таҳоратингнинг суви ҳамда совқотгандаги титроғинг тоғдек хатоларни парчалаб ташлашга кафилдир.



الأسد يتعمد الشعور بالألم عندما يعضه طفله .. لتشجيعه و إشعاره بأنه يملك القوة !

1309. Ота шерни ўз боласи тишласа, атайлаб оғриқни ҳис этишга ҳаракат қилар экан. Бундан мақсади – боласининг кучли эканини билдириб, уни янада шижаотлантириш экан.

مر سيدنا عمر بن الخطاب رضي الله عنه  
ذات يوم ب الرجل في السوق.  
- فإذا بالرجل يدعوا وبقول اللهم اجعلني  
من عبادك القليل....  
اللهم اجعلني من عبادك القليل.  
فقال له سيدنا عمر ..  
...من أين أتيت بهذا الدعاء ..?  
.... ف قال الرجل ...  
ان الله يقول في كتابه العزيز ..  
و قليل من عبادي الشكور.  
فبكى سيدنا عمر .....  
وف قال كل الناس أفتحت لك يا عمر !!

1310. Сайиидимиз Умар ибн Хаттоб бир куни бозорда бир кишининг олдидан ўтдилар. Ҳалиги киши: «Аллоҳим, мени озчилик бўлган бандаларингдан қилгин! Аллоҳим, мени озчилик бўлган бандаларингдан қилгин» деб дуо қилаётган экан. Шунда Умар розияллоҳу анху: «Бу дуони қаердан олдинг?» деб сўрадилар. У киши: «Аллоҳ Ўзининг азиз Куръон Китобида: **«Бандаларимдан шукр қилувчилари оздир»** (*Сабаъ сураси, 13-оят*) деган-ку», деди. Шунда Умар розияллоҳу анху йиғлаб, «Эй Умар, одамларнинг барчаси сендан фақихроқ», дедилар.



1311. Инсон баҳтсизлигининг ярми – ўзида йўқ нарсани бор қилиб кўрсатишга уринишдадир.



1312. Буюклар доим сўзлайдилар.  
Ҳаким ва донишмандлар доим қулоқ соладилар.  
Доно ва ақллилар доим таълим оладилар.  
Аҳмоқлар ҳар доим танқид қиласидилар.  
Ёвузлар эса буларнинг барчасини барбод қиласидилар.



1313. Ҳаётида муваффақиятга эришган бирор кишини кўрмадимки, ота-онасига яхшилик қилмаган бўлса.



1314. Имконинг борича Аллоҳдан қўрқ!  
Бугун Аллоҳ сендан зарра мисқолича яхшиликни қабул  
қилади.

Эртага одамларга бир дунё олтин улашсанг ҳам қабул  
қилмайди.



1315. Ҳар қандай қўрқинч хавотирдир, факат Аллоҳдан  
қўрқиш ҳаловатдир.



1316. «Муваффакиятга эришдим» дема, «Аллоҳ мени муваффақ қилди», дегин.

«Түғри иш қилдим» дема, «Аллоҳ мени түғри ишга йўллаб қўйди», дегин.

«Ишлаб топдим» дема, «Аллоҳ мени ризқлантирди», дегин.

**«Отган пайтингда сен отмадинг, балки Аллоҳ отди»** оятини бир эсла (*Анфол сураси, 17-оят*).

Ахир фикр юритмайдиларми?!



1317. «Титаник» кемасини дунёдаги энг кучли кемасозлар қуришган. Нух алайхиссаломнинг кемаси эса Аллоҳ азза ва жалланинг ваҳийси билан (бу соҳани билмайдиган киши томонидан) қурилган.

Аввалгиси ғарқ бўлиб, чўкиб кетган.

Иккинчиси бутун инсониятни ўз бағрида кўтариб, уни ҳалокатдан қутқарган.

Муваффақиятга эриштирувчи Зот покдир!



1318. Хотираси кучли одамга ҳавас қилманг, чунки у қайғули онларини ҳам унута олмайди!



1319. Бир болакай дадасига: «Дада, факат «иншааллоҳ» деманг», деди (яъни «Иншааллоҳ дейсиз-да, кейин сўраган нарсанни олиб бермайсиз», демоқчи).

Фарзандларингизни бу гўзал сўздан нафратлантириб қўйманг!

*(Ҳаммамизга маълумки, фарзандимиз бирор нарсани олиб беришини сўраса, кўпинча «Худо хоҳласа, олиб бераман», деймиз-да, олиб бермаймиз. Оқибатда бола «Худо хоҳласа» деган сўз ваъдани бажармасликка баҳона экан деб ўйлаб қолади.*

*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан асҳоби Каҳф ҳақида сўрашга эди, «Эртага жавоб бераман», дедилар. «Иншааллоҳ» демадилар. Натижада асҳоби Каҳф ҳақидаги оятнинг нозил бўлиши ўн беш кунга кечикди. Шунда Аллоҳ таоло: «Бир нарса ҳақида зинҳор «Буни эртага албатта қиласман», дема. Балки «Аллоҳ хоҳласа», дегин» оятини нозил қилган (Каҳф сураси, 23-24-оятлар).*



1320. Дўстларнинг яхиси сени Аллоҳ йўлида яхши кўради, сенга Аллоҳни эслатади, сени Аллоҳнинг азобидан кўрқитади, сени Аллоҳга йўлиқишига рағбатлантиради.

Мана шу охират куни учун энг яхши озуқадир.



1321. Хиёнат инсоннинг табиатида бўлади, бунга вазиятни баҳона қилманг!



1322. Онангга жаннатдек муомалада бўл. Онангга яхши муомала қилсанг, жаннатга яқинлашасан, ёмон муомала қилсанг, жаннатдан узоқлашасан.



1323. Намозингда баъзи дўстларинг, яқинларингнинг хаққига хайри дуолар қиласан. Бу махфий, лекин ниҳоятда гўзал иш. Худди шунга ўхшаш баъзи ишлар борки, уларнинг гўзаллиги яширинлигидадир.




1324. Ҳаёт сенга шафқатсиз бўлган онларда бошқаларга ҳам худди шунингдек шафқатсиз бўлишдан эҳтиёт бўл!




1325. Одамларни Аллоҳ томон йўллаб, ўзинг йўлни йўқотиб қўйишдан эҳтиёт бўл!

Одамларга жаннатга кириш учун ўзинг кўприк бўлсанг-да, кейин бу кўприкни дўзахга улоқтириб ташлашса! Мана шу нарсадан Аллоҳдан паноҳ тилагин!



1326. Ҳар қандай ишнинг икки қоидаси бор:

- 1: Уни қилишни бошла!
- 2: Уни қилишда бардавом бўл!



1327. Аллоҳнинг ёпилмас эшиги очиқ экан, халойикнинг эшигига не ҳожат!



1328. Ҳаёting шукр ва истиғфор ўртасида бўлсин. Зеро, нафсимиз неъматдан, ҳаётимиз эса гуноҳдан холи эмас.



1329. Баъзиларнинг муаммоси шуки, улар қулоғи билан кўради!



1330. Ҳеч ким орзу-ниятларингни ўзингчалик тушунмайди. Истихора қил, маслаҳат сол, тажрибали кишиларнинг насиҳатига қулок тут, кейин эса ўзинг ишонган нарсани қил. Зеро, бу бироннинг эмас, сенинг ҳаётингдир.



1331. Ҳар қандай эгилиш белни букиб, зўриқтиради. Лекин намоздаги эгилиш рухни юксалтиради.



1332. Тунда таҳажжуд намози ўқиладиган уйлардан нур таралиб туради. Бу нурни жамики осмон аҳли кўради.



1333. Ҳудхуд (сассиқпопишак) бутун бир умматнинг Исломга киришига сабабчи бўлди.

Чумоли катта бир лашкарнинг йўлини ўзгартирди.

Қарға инсониятга ўликни дафн қилишни ўргатди.

Кит бир пайғамбарнинг нажотига сабабчи бўлди.

Фил Каъбани бузишдан бош тортиди.

**Аммо кўпчилик одамларнинг «чорвалар кабидир. Балки янада адашганроқдир» (*Аъроф сураси, 179-оят*).**